

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим

2025/2026 ўқув йили бошига

- I. Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари
- II. Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар
- III. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг I синфига қабул қилинган ўқувчилар (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари ҳисобга олинмаган ҳолда)
- IV. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX ва XI синф битирувчилари
- V. Умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз)
- VI. Умумий ўрта таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари


Умумий ўрта таълим ташкилотлари – узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига давлат умумтаълими андозалари доирасида бепул умумий таълим олишнинг кафолатланган ҳуқуқи ва имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида 2025/2026 ўқув йили бошида фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони **11 118 тани** ташкил этган бўлиб, 2024/2025 ўқув йили бошига нисбатан **175 тага**, ёки **1,6 % га** ошган.

Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Фаолият юритаётган нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



2025/2026 ўқув йили бошига республикада фаолият юритаётган нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари сони **551 тани** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **96 тага**, ёки **21,1 % га** ошган.

Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025/2026 ўқув йили бошига, бирлик)

	Умумтаълим ташкилотлари сони		шундан: нодавлат умумтаълим ташкилотлари	
	жами	умумий сонига нисбатан % да	жами	умумий сонига нисбатан % да
Ўзбекистон Респ.	11 118	100	551	100
Қорақалпоғистон Респ.	771	6,9	10	1,8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	834	7,5	37	6,7
Бухоро	596	5,4	32	5,8
Жиззах	598	5,4	12	2,2
Қашқадарё	1 294	11,6	31	5,6
Навоий	387	3,5	5	0,9
Наманган	783	7,1	37	6,7
Самарқанд	1 350	12,1	43	7,8
Сурхондарё	1 003	9,0	5	0,9
Сирдарё	345	3,1	17	3,1
Тошкент	935	8,4	30	5,5
Фарғона	1 119	10,1	121	22,0
Хоразм	600	5,4	26	4,7
Тошкент ш.	503	4,5	145	26,3

2025/2026 ўқув йили бошига фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотларининг энг кўп сони Самарқанд (**1 350 та**), Қашқадарё (**1 294 та**) ва Фарғона (**1 119 та**) вилоятларида қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**345 та**), Навоий (**387 та**) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (**503 та**) кузатилган.

Нодавлат умумтаълим ташкилотлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**145 та**), Фарғона (**121 та**) ва Самарқанд (**43 та**) вилоятларида қайд этилган. Энг паст кўрсаткичлар эса Сурхондарё ва Навоий вилоятларида (ҳар бирида **5 тадан**) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**10 та**) кузатилган.


Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони](#)

II. Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар

Республикада сўнги йилларда умумий ўрта таълим ташкилотларида ўқувчилар сонининг ўсиши кузатилган. 2025/2026 ўқув йили бошига уларнинг сони **6 870,5 минг нафарни** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **94,2 минг нафарга**, ёки **1,4 % га** ошган. Жами ўқувчилар сонидан қиз болалар улуши **48,8 % ни**, ўғил болалар улуши эса **51,2 % ни** ташкил этган.

Ўқувчилар сони, жами
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Юқорида кўрсатилган даврда умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган қиз болалар сони **49,6 минг нафарга**, ёки **1,5 % га** ошган, ўғил болалар сони эса **44,6 минг нафарга**, ёки **1,3 % га** ошган.

Ўқувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	Ўқувчилар сони, жами	умумий сонига нисбатан % да	улардан:		умумий сонидан, % да	
			қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар
Ўзбекистон Респ.	6 870,5	100	3 355,1	3 515,4	48,8	51,2
Қорақалпоғистон Респ.	375,5	5,5	185,6	189,9	49,4	50,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	634,7	9,2	310,8	323,9	49,0	51,0
Бухоро	348,4	5,1	169,2	179,2	48,6	51,4
Жиззах	284,6	4,1	138,1	146,5	48,5	51,5
Қашқадарё	688,1	10,0	336,5	351,6	48,9	51,1
Навоий	195,7	2,8	96,3	99,4	49,2	50,8
Наманган	571,3	8,3	279,2	292,1	48,9	51,1
Самарқанд	814,2	11,9	398,6	415,6	49,0	51,0
Сурхондарё	572,8	8,3	281,8	291,0	49,2	50,8
Сирдарё	165,1	2,4	80,3	84,8	48,6	51,4
Тошкент	547,2	8,0	267,0	280,2	48,8	51,2
Фарғона	733,4	10,7	359,5	373,9	49,0	51,0
Хоразм	377,4	5,5	185,7	191,7	49,2	50,8
Тошкент ш.	562,1	8,2	266,5	295,6	47,4	52,6

2025/2026 ўқув йили бошига ўқувчилар сонининг энг юқори кўрсаткичи Самарқанд (**814,2 минг нафар**), Фарғона (**733,4 минг нафар**) ва Қашқадарё (**688,1 минг нафар**) вилоятларида қайд этилган. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**165,1 минг нафар**), Навоий (**195,7 минг нафар**) ва Жиззах (**284,6 минг нафар**) вилоятларида кузатилган.


Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўғил болалар сони қиз болалар сонидан бироз юқори бўлган. Тошкент шаҳрида ўғил ва қиз болалар сони ўртасидаги тафовут энг сезиларли бўлиб, мос равишда **52,6 % ни** ва **47,4 % ни** ташкил этган. Қолган ҳудудларда эса ўғил ва қиз болалар нисбати бир-бирига яқин бўлган.

III. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг I синфига қабул қилинган ўқувчилар (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари ҳисобга олинмаган ҳолда)

2025/2026 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларининг I синфига қабул қилинган ўқувчилар сони (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари ҳисобга олинмаган ҳолда) **725,3 минг нафарни** ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **46,4 минг нафарга**, ёки **6,8 % га** кўп бўлган. I синфга қабул қилинган ўқувчилар умумий сонидан қиз болалар улуши **48,0 % ни**, ўғил болалар улуши эса **52,0 % ни** ташкил этган.

I синфга қабул қилинган ўқувчилар сони

(жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари ҳисобга олинмаган ҳолда, тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Юқорида кўрсатилган даврда умумий ўрта таълим ташкилотларининг I синфига қабул қилинган қиз болалар сони **21,4 минг нафарга**, ёки **6,6 % га**, ўғил болалар сони эса **25,0 минг нафарга**, ёки **7,1 % га** ошган.

I синфга қабул қилинган ўқувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари ҳисобга олинмаган ҳолда, 2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	I синф ўқувчилари сони, жами	умумий сонига нисбатан % да	улардан:		умумий сонидан, % да	
			қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар
Ўзбекистон Респ.	725,3	100	347,8	377,5	48,0	52,0
Қорақалпоғистон Респ.	36,5	5,0	17,9	18,6	49,0	51,0
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	67,8	9,4	32,5	35,3	47,9	52,1
Бухоро	37,0	5,1	17,6	19,4	47,6	52,4
Жиззах	31,3	4,3	14,9	16,4	47,6	52,4
Қашқадарё	72,7	10,0	34,4	38,3	47,3	52,7
Навоий	21,0	2,9	10,1	10,9	48,1	51,9
Наманган	63,2	8,7	30,2	33,0	47,8	52,2
Самарқанд	87,6	12,1	42,1	45,5	48,1	51,9
Сурхондарё	61,7	8,5	29,8	31,9	48,3	51,7
Сирдарё	17,0	2,3	8,2	8,8	48,2	51,8
Тошкент	56,7	7,8	27,3	29,4	48,1	51,9
Фарғона	78,3	10,8	37,4	40,9	47,8	52,2
Хоразм	38,2	5,3	18,4	19,8	48,2	51,8
Тошкент ш.	56,3	7,8	27,0	29,3	48,0	52,0

2025/2026 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларининг I синфига қабул қилинган ўқувчилар сонининг (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари ҳисобга олинмаган ҳолда) энг юқори кўрсаткичи Самарқанд (**87,6 минг нафар**), Фарғона (**78,3 минг нафар**) ва Қашқадарё (**72,7 минг нафар**) вилоятларида қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**17,0 минг нафар**), Навоий (**21,0 минг нафар**) ва Жиззах (**31,3 минг нафар**) вилоятларида кузатишган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ўқувчилар сони \(жами\)](#)

[Ўқувчилар сони \(қиз болалар\)](#)

[Ўқувчилар сони \(ўғил болалар\)](#)

[I – IV синф ўқувчилари сони](#)


[V – IX синф ўқувчилари сони](#)

[X – XI синф ўқувчилари сони](#)

IV. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX ва XI синф битирувчилари

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX синф битирувчилари сони **506,1 минг нафарни** ташкил этган ва 2024 йилга нисбатан уларнинг сони **14,0 минг нафарга**, ёки **2,7 % га** қисқарган. Шунингдек, 2025 йилда XI синф битирувчилари сони 2024 йилга нисбатан **46,6 минг нафарга**, ёки **11,5 % га** ошган ва **452,5 минг нафарни** ташкил этган.

IX ва XI синф битирувчилари сони
(тегишли йил учун, минг киши)



IX синф битирувчилари сони XI синф битирувчилари сонидан кўплиги баъзи ўқувчилар IX синфни тугатгандан сўнг академик лицейлар, политехникумлар, техникумлар ва бошқа таълим ташкилотларида ўқишни давом эттириши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

IX ва XI синф битирувчилари сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025 йил учун, минг киши)

	IX синф битирувчилари		XI синф битирувчилари	
	жами	умумий сонига нисбатан % да	жами	умумий сонига нисбатан % да
Ўзбекистон Респ.	506,1	100	452,5	100
Қорақалпоғистон Респ.	28,4	5,6	25,6	5,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	47,8	9,5	39,6	8,7
Бухоро	25,5	5,1	23,4	5,2
Жиззах	20,3	4,0	17,6	3,9
Қашқадарё	47,7	9,4	44,6	9,9
Навоий	17,4	3,4	13,4	3,0
Наманган	39,0	7,7	37,2	8,2
Самарқанд	57,8	11,4	51,6	11,4
Сурхондарё	41,0	8,1	35,8	7,9
Сирдарё	12,3	2,4	11,0	2,4
Тошкент	39,1	7,7	35,4	7,8
Фарғона	48,7	9,6	47,1	10,4
Хоразм	32,8	6,5	29,0	6,4
Тошкент ш.	48,3	9,6	41,2	9,1

IX синф битирувчиларининг энг кўп сони Самарқанд (**57,8 минг нафар**), Фарғона (**48,7 минг нафар**) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (**48,3 минг нафар**) қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич Сирдарё (**12,3 минг нафар**), Навоий (**17,4 минг нафар**) ва Жиззах (**20,3 минг нафар**) вилоятларида кузатилган. XI синф битирувчилари сони бўйича ҳам Самарқанд (**51,6 минг нафар**), Фарғона (**47,1 минг нафар**) ва Қашқадарё (**44,6 минг нафар**) вилоятлари етакчилик қилган бўлса, Сирдарё (**11,0 минг нафар**), Навоий (**13,4 минг нафар**) ва Жиззах (**17,6 минг нафар**) вилоятларида эса бу кўрсаткич энг паст даражада бўлган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[IX синф битирувчилари](#)

[XI синф битирувчилари](#)

V. Умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз)

2025/2026 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ўқитувчилар сони (ўриндошларсиз) **577,7 минг нафарни** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йили бошига нисбатан **12,8 минг нафарга**, ёки **2,3 % га** ошган. Ўқитувчилар умумий сонига (ўриндошларсиз) аёллар улуши **72,5 % ни**, эркаклар улуши эса **27,5 % ни** ташкил этган.

Ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Юқорида кўрсатилган даврда умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган аёл ўқитувчилар сони **17,5 минг нафарга**, ёки **4,4 % га** ошган бўлиб, **418,8 минг нафарни** ташкил этган. Эрмак ўқитувчилар сони эса, аксинча, **4,7 минг нафарга**, ёки **2,9 % га** қисқарган бўлиб, **158,9 минг нафарни** ташкил этган.

Ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	Ўқитувчилар сони, жами	Умумий сонига нисбатан % да	улардан:		умумий сонидан, % да	
			аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар
Ўзбекистон Респ.	577,7	100	418,8	158,9	72,5	27,5
Қорақалпоғистон Респ.	40,7	7,0	31,0	9,7	76,2	23,8
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	46,3	8,0	36,2	10,1	78,2	21,8
Бухоро	33,4	5,8	26,3	7,1	78,7	21,3
Жиззах	25,7	4,4	15,1	10,6	58,8	41,2
Қашқадарё	65,1	11,3	42,1	23,0	64,7	35,3
Навоий	22,3	3,9	17,3	5,0	77,6	22,4
Наманган	42,6	7,4	31,8	10,8	74,6	25,4
Самарқанд	65,1	11,3	43,3	21,8	66,5	33,5
Сурхондарё	52,3	9,0	31,9	20,4	61,0	39,0
Сирдарё	14,2	2,4	9,3	4,9	65,5	34,5
Тошкент	40,2	7,0	30,7	9,5	76,4	23,6
Фарғона	60,6	10,5	46,8	13,8	77,2	22,8
Хоразм	35,1	6,1	27,7	7,4	78,9	21,1
Тошкент ш.	34,1	5,9	29,3	4,8	85,9	14,1

Умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ўқитувчилар сонининг (ўриндошларсиз) энг юқори кўрсаткичлари Самарқанд (**65,1 минг нафар**), Қашқадарё (**65,1 минг нафар**) ва Фарғона (**60,6 минг нафар**) вилоятларида қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**14,2 минг нафар**), Навоий (**22,3 минг нафар**) ва Жиззах (**25,7 минг нафар**) вилоятларида кузатилган.

Аёл ўқитувчиларнинг энг юқори улуши Тошкент шаҳрида қайд этилган бўлиб, **85,9 % ни** ташкил этган. Жиззах вилоятида эса ушбу кўрсаткич нисбатан паст бўлган ва **58,8 % ни** ташкил этган. Қолган ҳудудларда аёл ўқитувчилар улуши **61,0 % дан 78,9 % гача** фарқланган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ўқитувчилар сони \(жами ўриндошларни қўшган ҳолда\)](#)

VI. Умумий ўрта таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Умумий ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишига, шунингдек, таълимнинг кейинги тури танланишига ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишига қаратилган. У умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз, мажбурий ўн бир йил давомида, кундузги таълим шаклида амалга оширилади ва уч босқичдан (I – XI синфлар) иборат: бошланғич таълим (I – IV синфлар), таянч ўрта таълим (V – IX синфлар) ва ўрта таълим (X – XI синфлар).

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим бўйича статистик маълумотлар йиллик статистик ҳисобот – **1 umumta'lim shakli** “Умумтаълим муассасасининг ҳисоботи” асосида шакллантирилади. Ушбу ҳисоботни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг умумтаълим муассасалари, бошқа вазирлик ва идораларнинг умумтаълим муассасалари, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар лицензия асосида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар тақдим этади.

Умумтаълим муассасасининг статистик ҳисоботида ўқувчилар, битирувчилар, ўқитувчилар сони ҳамда умумий ўрта таълим тизимини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар акс эттирилади. Статистик маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади.

Ўқувчилар ва ўқитувчилар сони, умумтаълим ташкилотларининг моддий-техника базаси каби асосий кўрсаткичлар янги ўқув йили бошига, битирувчилар сони эса ўтган йил учун келтирилади. Йиғма маълумотлар таълим тизими ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш, таълим ислохотларини режалаштириш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) доирасида ва бошқа халқаро ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Умумий ўрта таълим ташкилотининг асосий мақсадлари – ўқувчи шахсининг умумий маданиятини шакллантириш, уни жамият ҳаётига мослаштириш, касбий таълим дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик ўзлаштириш учун асос яратиш,

шунингдек, жамият, оила ва давлат олдидаги масъулиятини англайдиган шахсни тарбиялашдан иборат.

Давлат таълим муассасаси – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизда ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса.

Нодавлат умумтаълим ташкилоти – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

Таълим ташкилотларига қабул қилиш – ушбу ўқув йилида ўқишга қабул қилинганларнинг сонини кўрсатади. Қабул қилинган сонига иккинчи йил ўқиётганлар ва аввал ўқиганлар орасидан қайтиб келганлар қўшилмайди.

Умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқувчиларига ўқув йили бошига рўйхатда турган ва умумтаълим муассасаларининг бошланғич, таянч ўрта ҳамда ўрта таълим босқичларида таҳсил олаётган шахслар, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ўқувчилари киритилади.

Ўқитувчилар сони – ўқувчиларга таълим бериш ва касбий тарбияси билан шуғулланувчи, ўрта махсус, олий ёки махсус тайёргарликдан ўтган шахслар сони.

Таълим ташкилотларини битирганлар – ушбу таълим ташкилотларида ўқув курсини тўлиқ тугатган ва умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома)лар олган шахслар сони.

Фойдали ҳаволалар:

[Таълим статистикаси бўйича услубий Низом](#)

[МСКО 2011](#)

[МСКО-0 2013](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: (71) 203-80-00 (ички рақам: 1305)

